

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ МОВАРОУННАХР ИЛМИЙ МУҲИТИ РИВОЖИДАГИ ЁРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20769536>

Джуманов Абдулазиз Махамматлатипович

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация

Мазкур мақолада Имом Бухорий ҳадис илмининг буюк олимларидан экани эътироф этилган. Унинг илмий меросида келган барча маълумотлар кейинги давр илмий муҳитини шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга экани зикр қилинган. Ва шу билан бирга Имом Бухорийнинг устозлари, шогирдлари ҳақида сўз юритилди. У зотга олимлар томонидан берилган таърифлар баён қилинди.

Калит сўзлар

Мухаддис, Имом Бухорий, тўплам, ҳадис, Саҳиҳи Бухорий, Саҳиҳ, Асар, Бухорий ровийлари, Фирабрий.

Аннотация

В данной статье Имам Бухари признаётся одним из величайших учёных-хадисоведов. Отмечается, что все сведения, полученные в его научном наследии, имеют особое значение для формирования научной среды последующего периода. В то же время обсуждались учителя и ученики имама Бухари, а также разъяснялись характеристики, данные ему учёными.

Ключевые слова

Мухаддис, Имам Бухари, сборник, хадисы, Саҳиҳ Бухари, Саҳиҳ, Асар, Передатчики Бухари, Фирабри.

Abstract

In this article, Imam Bukhari is recognized as one of the great scholars of hadith science. It is mentioned that all the information received in his scientific heritage is of special importance in the formation of the scientific environment of the next period. At the same time, Imam Bukhari's teachers and students were discussed. The descriptions given to him by scholars were explained.

Key words

Muhaddith, Imam Bukhari, collection, hadith, Sahih Bukhari, Sahih, Asar, Narrators of Bukhari, Firabri.

Кириш.

Илк ўрта асрларда мусулмонлар Қуръонни ўрганиш, ёд олиш ва уни келажак авлодга турли ўзгаришларсиз етказишга катта эътибор қаратилгани тарихий манбалардан маълум. Бу мақсадга эришилгач, Қуръоннинг унутилиши ёки ўзгартирилиши хавфи йўқолди: унинг ҳар бир ҳарфи шубҳа уйғотмайдиган даражада мусхафлару қалбларда мустаҳкам қарор топди. Энди олимлар олдида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифларини асраб-авайлаш вазифаси турарди.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда тарихий-таҳлилий, илмий-танқидий, мантикий ва қиёсий-таҳлилий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Саҳобалар ва тобеинлар давридан сўнг Исломи динини қоралаш ва булғаш мақсадида ҳадислар тўқиб чиқарувчи динсизлар пайдо бўлди. Улар билан бир қаторда бундан молиявий фойда кўришни хоҳлаганлар, ҳукмдорларга хушомад қилмоқчи бўлганлар, шунингдек, одамларни ибодатга, тўғри йўлга ва яхшилиқка чақириш ниятида ҳадисларни ўз билганларича ўзгартириб юборган жоҳиллар ҳам ҳадислар тўқишди.

Шу тариқа, соф динга бидъат-хурофотлар, бўлмағур гаплар ва нотўғри фикрлар аралаша бошлади. Натижада бу муборак мероснинг йўқолиш ёки унга сохта, тўқима ҳадисларнинг аралашиб кетиш хавфи юзага келди. Умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазиз³⁵ (717-720) олимларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ва амаллари ҳақидаги ҳадислар тўпламини тузишни буюрди. Бу ишни биринчилардан бўлиб Муҳаммад ибн Муслим ибн Шихоб аз-Зухрий³⁶ (вафоти 742 йил) амалга оширди. Бу тўпланда ҳадислар мавзулар ёки ровийлар исмлари бўйича тартибланмаган ҳамда саҳобалар ва тобеинларнинг сўзлари, фатволари билан аралаш келтирилганди. Шу тариқа Суннатни ёзма равишда мустаҳкамлаш тарихида янги саҳифа очилди.

Ҳижрий иккинчи асрда мусулмон уламолар ҳадис тўпламларини тузиш учун жуда кўп саъй-ҳаракат қилдилар. Бу иш билан ислом оламининг турли

³⁵ Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Осс ибн Умайя ибн Абд Шамс ибн Абдул Маноф. Онаси томонидан насаби Умар розияллоҳу анҳуга боғланади (Лайло бинт Осим ибн Умар ибн Хаттоб). Қаранг: Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламин нубало. – Байрут: Муассасатур-рисала, 1996. – Ж. V. – Б. 114.

³⁶ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шихоб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Зухра ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб Абу Бакр ал-Қураший, аз-Зухрий – улуг тобеин. Мадинаи муннаварада ҳижрий 58-йилда туғилган. Ўз замонасининг хофиз ва фақиҳи, буюк имомлардан бири. Шомда истикомат қилган. Қаранг: Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламин нубало. – Байрут: Муассасатур-рисала, 1996. – Ж. V. – Б. 327.

минтақаларидаги нуфузли имомлар шуғулландилар: Маккада Ибн Журайж; Мадинада Молик ва Ибн Исҳоқ; Басрада Саид ибн Абу Аруба, Ҳаммод ибн Салама ва Рабиъ ибн Субайх; Куфада Суфён ас-Саврий; Шомда Абу Амр Авзоъий; Хуросонда Абдуллоҳ ибн Муборак; Яманда Муаммар.

Бу даврдаги тўшамларнинг аксари турли мавзуларга бағишланган боблардан иборат бўлиб, тизимлашди. Улар одатда «Мусаннаф», «Жомеъ» ёки «Муваатто» деб аталган. Уларда эътиқод, ибодат, муомалот масалаларига ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аввалги пайғамбарларнинг ҳаётлари ва саҳобаларнинг фазилатларига оид ривоятлар жой олган.

Ҳижрий учинчи асрда ҳадис илми жадал ривожланди. Муҳаддис уламолар ҳадисларни жамлаш учун турли шаҳарлар бўйлаб сафар қилишди ва жамлаган билимларини ўзаро алмашишди.

Бу давр – ҳижрий учинчи/милодий тўққизинчи аср – ҳадис илми тарихида олтин давр бўлди. Чунки унда ҳадис имомларининг улуғлари етишиб чиқди ва Набавий суннатнинг энг ишончли йўллар билан келганларини аниқлаб, алоҳида жамлаш ишлари амалга оширилди. “Кутубу ситта” ҳам айнан шу даврда таълиф қилинди. Энг қизиғи шундаки, бу тўшам соҳибларининг аксари араб бўлишмаган. Қуръони каримдан кейин энг ишончли китоб деб тан олинган “Саҳихул Бухорий” ҳам Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан Муҳаммад ибн Исмоилга тегишли. Ҳа, бу даврда Мовароуннаҳр диёри бутун дунёга имом бўладиган олимларни етиштириб берди. Имом Бухорий ана шундай олимлардан энг машҳуридир. Лекин унғача бу диёрда бир қанча муҳаддис уламолар яшаб ўтганлар.

Имом Муҳаммад ибн Саллом ибн Фараж Бухорий – Абу Абдуллоҳ Ал-Байқандий – Мовароуннаҳрнинг илк муҳаддисларидан ҳисобланади. Ҳижрий 162/ милодий 769 йили Бухоронинг Байқанд қишлоғида туғилган.

У ҳаётининг бошида савдо билан шуғулланган, сўнгра илм талабига юзланган ва шу мақсадда Ислом оламининг турли шаҳарларига сафар қилган. Аввал Хоразм вилоятларига сафар қилиб, у ерда Абдулкарим ибн Асвад Ал-Басрий, Муғира ибн Мусо³⁷ кабилардан ҳадис эшитган. Мовароуннаҳр ўлкаларидаги сафарини тугатгач, Ислом оламининг пойтахти Бағдодга бориб, ерда Абу Ал-Аҳвас Саллам ибн Сулайм³⁸, Абу Исҳоқ Ал-Фазорий³⁹ ва Суфён ибн Уяйна⁴⁰ кабилардан ва бошқалардан ҳадис эшитган.

³⁷ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Тарих ал-ислом ва вафаёт ал-машоҳир ва-л-аълом. – Тунис: Фазоу дор ас-салом ли-л-китоб, 2016. – Ж. XVI. – Б. 361; Сияру аъламин нубало. – Байрут: Муассасатур-рисала, 1996. – Ж. X. – Б. 628.

³⁸ Салоҳиддин Халил ибн Ойбек ибн Абдуллоҳ Сафадий. Ал-Вофий бил-вафаёт. – Байрут: Дору ихя турос ал-арабия, 2000. – Ж. III. – Б. 96.

³⁹ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Тазкирату-л-Хуффо. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – Ж. I. – Б. 34.

Мадинага бориб, Имом Молик ибн Анас⁴¹ (93 х./712 м. – 179 х./795 м.)ни ҳам кўрганини ўзи ривоят қилган.

Ибн Саллом Ислом оламининг аксарият ҳудудларини кезиб чиққан ва ўз замонасидаги кўшлаб шайхлардан ҳадис эшитган. Ҳаттоки, унинг шайхларининг сони тўрт юзтага етган⁴².

Ватанига қайтгач, Бухоро масжидида катта илмий ҳалқа (давра) тузади. Бу давра буюк ҳадис имомларининг кўпчилигини етиштириб чиқарди. Жумладан, Бухорийнинг “Саҳиҳ”и, Доримийнинг “Сунан”и ва бошқа катта суннат китобларининг пайдо бўлиши учун замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ал-Байкандий Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожига асос солган, ўз даврида илм ва ҳадиснинг маркази бўлган буюк устозлардан биридир. Ҳижрий 225/милодий 839 йилда Мисрда вафот этган⁴³.

Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида Абу Абдуллоҳ Ал-Байкандийдан ҳадис ривоят қилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳимахуллоҳ – фақиҳлар саййиди ва муҳаддислар имоми. У зот қолдирган мерос бутун Ислом тарихи давомида кадрланиб келинган. “Саҳиҳ Бухорий” асари бугунги кунда ҳам мисли йўқ диний манбадир. Ислом уламолари у ҳақда: «Дарҳақиқат, бу китоб Аллоҳнинг китобидан кейинги энг ишончли китобдир», дейишган.

Исми: Муҳаммад. Куняси: Абу Абдуллоҳ. Лақаби: Муҳаддислар имоми ёки ҳадис илмидаги мўминлар амири. Насаби: Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардизбах ибн Базизбиҳ ал-Жуъфий.

Имом Нававий раҳимахуллоҳ “Таҳзиб ал-асмо ва ал-луғот” китобида: «Уламолар имом Бухорий раҳимахуллоҳ жума намозидан кейин, шаввол ойининг ўн учинчи кечасида, ҳижрий 194\ милодий 809 йилда Бухоро шаҳрида туғилганлиги борасида яқдилдирлар», деб таъкидлаган.

Барзизбах ва унинг отаси Базизбиҳ форслардан бўлиб, ўз халқлари дини (оташпарастлик)га эътиқод қилишган⁴⁴.

⁴⁰ Ҳофиз Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзибут-таҳзиб. – Байрут: Муассасатур-рисала, 2014. – Ж. IX. – Б. 18.

⁴¹ Шихобуддин Абул-Фаллоҳ Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Иқрий ибн ал-Имад ал-Ҳанбалий ад-Димашқий. Шазаратуз заҳаб фий ахбари ман заҳаб. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1986. – Ж. II. – Б. 56.

⁴² Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламин нубало. – Байрут: Муассасатур-рисала, 1996. – Ж. X. – Б. 628.

⁴³ Имом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансаб. – Байрут: Дор ал-Жинан, 1988. – Ж. I. – Б. 434; Салоҳиддин Халил ибн Ойбек ибн Абдуллоҳ Сафадий. Ал-Вофий бил-вафаёт. – Байрут: Дору ихъи турс ал-арабия, 2000. – Ж. III. – Б. 97. Тақиюддин Макризий. Ал-Мукоффа ал-Кабир. – Байрут: Дор ал-ғорби ал-исламий, 1991. – Ж. V. – Б. 714.

⁴⁴ Юсуф ибн Тағрибардий ибн Абдуллоҳ аз-Зоҳирий ал-Ҳанафий, Абул Маҳосин, Жамолуддин. Ан-Нужум аз-Зоҳирати фий мулуки Мисри вал Қохироти. – Миср: Дор ал-кутуб ал-Мисрия. 1929. – Ж. III. – Б. 25; Ҳофиз

Имом Бухорийнинг бобоси Муғира раҳимахуллоҳ Яман ал-Жуъфийнинг даъвати билан Исломни қабул қилган. Ҳақда бир одат мавжуд бўлган: агар бирор киши бошқа бир киши сабабли Исломга кирса, дўстлик ва яқинлик ифодаси сифатида ўзини ўша кишининг қабиласига нисбат берарди. Шунга кўра, Муғира раҳимахуллоҳнинг авлоди ҳам кейинчалик ал-Жуъфий деб атала бошлади.⁴⁵

У кишининг отаси Исмоил Абул Ҳасан раҳимахуллоҳ ўз даврининг улуг муҳаддисларидан, имом Моликнинг раҳимахуллоҳ шогирди ва издоши эди. У Ҳаммод ибн Зайд, имом Молик, Абу Муовия ва ўз даврининг бошқа уламоларидан ҳадислар ривоят қилган. Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ўз отасининг таржимаи ҳолини «Тарих ал-Кабир» китобида зикр қилган. Шунингдек, ибн Ҳиббон раҳимахуллоҳ ҳам ўзининг «Ас-Сикот» китобида у киши ҳақида ёзган.

Имом Бухорий ва унинг отаси раҳимахуллоҳ ўз даврининг ҳурматли олимлари, тан олинган муҳаддислари эди. Хатиб Бағдодий имом Бухорийдан раҳимахуллоҳ ривоят қилади: «Мен Абу Ҳафс⁴⁶ Аҳмад ибн Ҳафсининг ёнида эдим ва отамнинг мактабида “Жомеъ ас-Суфён” китобини эшитдим».

Бу Исмоил Абул Ҳасаннинг ўз мактабига эга бўлгани, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс раҳимахуллоҳ эса унда муаллим бўлганлигини кўрсатади. Ёки Исмоил Абул Ҳасан “Жомеъ ас-Суфён” китобининг нусхасига эга бўлганини англатади. Нима бўлганида ҳам бу Исмоил Абул Ҳасаннинг чуқур илмий салоҳиятига далолат қилади. У Абу Ҳафс раҳимахуллоҳ билан дўстона муносабатда бўлган. Отасининг вафотидан кейин Абу Ҳафс раҳимахуллоҳ билан дўстлик муносабатларини имом Бухорий давом эттирган.

Имом Бухорийнинг онаси раҳимахуллоҳ ҳам кўп ибодатлари билан танилган, каромат соҳибаси бўлган фазилатли аёл эди.

Абу Али ал-Ғассоний “Тақйид ал-Муҳмил”⁴⁷ китобида ёзади: «Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ёшлигида кўзи ожиз бўлиб қолган. Унинг онаси кўп ибодат қиларди. У тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўради, у киши унга: “Аллоҳ тўққан кўз ёшларинг ва кўп дуоларинг сабабли

Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ад-Довудий. Табакот ал-Муфассирин. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1983 – Ж. II. – Б. 87.

⁴⁵ Абул Аббос Шамсуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. Вафаёт ал-аён ва анбау абнаи аз-заман. – Байрут: Дар содир, 1978. – Ж. IV. – Б. 41; Абул Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир ал-Кураший ал-Басрий ад-Димашкий. Ал-Бидоя ва-н-ниҳоя. Байрут: Дар ал-фикр, 1986. – Ж. XI. – Б. 25.

⁴⁶ Хатиб Бағдодий. “Тарих ал-Бағдод”. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2004. – Ж. II. – Б. 324.

⁴⁷ Абул Қосим Ҳабатуллоҳ ибн Ҳасан ибн Мансур ат-Табарий ар-Розий ал-Лалкаий. Карамат ал-авлия. – Саудия: Дару тоййиба. 1994. – Ж. I. – Б. 16.

ўғлингнинг кўзини қайтарди”, дейди. Эрталаб у ўғлини кўзи очилган ҳолда топди». ⁴⁸

Бирорта китобда имом Бухорийнинг кўзи ожиз бўлиб қолиши сабаблари ҳақида маълумот йўқ. Шундан кейин имомнинг кўзи шу қадар ўткирлашганки, ҳатто кечалари ҳам ой нурида бемалол китоб ёза олган.

Имом Субкий Бухорийнинг кўзи икки марта ожиз бўлиб қолганини айтган. Биринчиси ёшлигида, юқоридаги машхур воқеа. Иккинчиси Хуросонда, илмий сафарлари чоғида жазирама қуёш остида жуда катта масофаларни босиб ўтганида юз берган. Бир киши унга сочини кириб, бошига доривор мойчечак суртишни маслаҳат беради. Аллоҳнинг иродаси билан Бухорийнинг кўзи иккинчи марта кўра бошлайди ⁴⁹.

Имом Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этади ва унинг тарбияси ҳамда таъминоти онасининг зиммасига тушади. Илмга ташна бу бола ўн ёшидаёқ ҳадисларни ёдлашга киришган ва бу истак унда тобора ўсиб бораверган. Бу борада у бошқалардан ажралиб турган.

Хатиб Бағдодий “Тарих ал-Бағдод” китобида имом Бухорийнинг сўзларини келтиради ⁵⁰: «Бир куни имом Дохийий ўз шогирдларига ҳадис айтиб бераётиб, қуйидаги санадни ривоят қилди: “Суфён – Абу Зубайрдан – у Иброҳимдан...” Буни эшитиб, мен одоб билан: “Абу Зубайр Иброҳимдан ҳадис ривоят қилмаган”, дедим. Имом Дохийий мени койиб берди. Аммо мен ҳурмат билан: “Аслига қайтиб, бу ҳадис санадини текшириб кўринг”, дедим. Имом Дохийий уйига кириб, ёзувларини кўрди. Қайтиб келиб: “Ҳой болакай! Менга бу ҳадис ровийлари санадининг тўғри туруқини айт-чи!” деди. Мен: “Иброҳимдан ривоят қилувчи Абу Зубайр эмас, балки Зубайр ибн Адийдир”, деб жавоб бердим. Имом Дохийий дарҳол менга: “Сен ҳақсан”, деди. Сўнг қаламини олиб, китобидаги хатони тузатди». (Ўша пайтда Имом Бухорий ўн бир (!) ёшда бўлган.)

Хулоса

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ Ислом тарихидаги энг муҳим шахслардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг “Саҳих” ҳадислар тўплами Суннати мутоҳҳара ҳақидаги билимларнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ҳаёти динга садоқат, илм олиш ва уни тарқатишдаги қатъиятнинг намунасидир, бу эса уни бугунги кунгача бутун дунё мусулмонлари орасида энг таниқли ва ҳурматли олимлардан бирига айланганди. Имом Бухорий раҳимахуллоҳ

⁴⁸ Жамолуддин Абул Фараж Абдуррахмон ибн Али ибн Муҳаммад ал-Жавзий. Сифат ас-Сафва. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2000. – Ж. II. – Б. 34.

⁴⁹ Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Абдул Кофий Субкий. Табақот аш-Шофиййя ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2012. – Ж. II. – Б. 213. Сафадий. Ал-Вофий бил-вафаёт. Ж. II. – Б. 14.

⁵⁰ Хатиб Бағдодий. “Тарих ал-Бағдод”. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2004. – Ж. II. – Б. 8.

нафақат буюк муҳаддис, балки ислом илмининг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб бошқа асарлар муаллифи ҳам бўлган, уларнинг баъзиларини биз ушбу мақолада зикр этиб ўтдик. У ўз даврининг аҳли бидъатлари ва ҳокимлари олдида камтаринлиги, зоҳидлиги, поклиги ва матонати билан танилган. Бугунги кунда имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг номи бутун дунёга машҳур, унинг асарлари мусулмонларни нафақат суннатни ўрганишга, балки ислом илмини ривожлантиришга ҳам илҳом беришда давом этмоқда.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАРРЎҲАТИ:

1. Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадруддин Айний ва асаруҳу фи илми ал-ҳадис (Бадруддин Айний ва ҳадис илми ҳақидаги асари) – Макка: Дор ал-башар исломия, 1982.
2. Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий.(Саҳиҳ ал-Бухорийни шарҳлашда ўқувчини таянчи) – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2009.
3. Камол ибн Ҳумом. Фатҳу-л-Қодир. – Байрут.: Дору-л-кутуби-л-арабийя, 1997.
4. Маҳмуд Таҳҳон. Тайсиру мусталаҳи-л-ҳадис. – Қувайт.: Мактабату-л-маориф, 2004
5. Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий. Ал-Арфу-ш-Шазий. – Байрут.: Дору ихйи-т-турос ал-арабий, 2004.
6. Муҳаммад Абу Бакр. Тазкира Тоййиб. – Ҳиндистон.: Мактабту-л-асарийя, (нашр қилинган йили келтирилмаган).
7. Ҳасан Иброҳим Ҳасан. Тариху-л-ислам ас-сиясий ва-д-диний ва-с-сакофий. – Байрут.: Дору ихйи-т-турос ал-арабий, 1964.